# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 68 (8.803) ◆ 1996 йил 10 июнь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН—РУМИНИЯ: ЙЎЛЛАР ЙЎЛЛАРГА ТУТАШДИ



Ўзбекистон ва Руминия халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Енгил саноати нисбатан ривожланган Руминия яқин-яқинда ҳам Ўзбекистон пахтасини Россия орқали сотиб олар, шунингдек, Ўзбекистон ҳам шу йўсинда Руминия уй-жиҳозлари, нефть-кимё маҳсулотлари, енгил саноатда ишлатиладиган сунъий тола каби республика иқтисодиёти учун зарур маҳсулотларни харид қиларди.

Ўзбекистоннинг истиқлолга эришуви ва Руминия сиёсий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар икки мустақил давлат алоқаларини янгича асосда, тубдан ривожлантиришни тақозо этди. Эндиликда мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсати барқарорлашиб, бозор муносабатларига ўтиш йўлидаги ислоҳотлар жараёнининг маълум босқичлари ортда қолгач, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга имконият яралди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Бухарестга расмий ташрифини Ўзбекистон ва Руминия дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги алоқалари тарихидаги муҳим воқеа дейиш мумкин.

Ташриф асносида маълум бўлдики, ҳар икки мамлакатнинг ҳам ҳамкорликни бутунлай янги асосда давом эттиришга катта эҳтиёжи бор.

Ана шу боис бўлса керак, Руминия заминидаги илк дақиқалаларданоқ ўзаро ҳурмат ва амалий натижаларга интилиш намоён бўлди.

5 июнь куни Бухарестдаги «Котрочени» саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Руминия Президенти Ион Илиеску пешвоз чиқди. Сарой майдонида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Маросим ниҳоясида Президентлар Ислом Каримов ва Ион Илиеску сарой залларидан бирида тор доирада қисқа мулоқотда бўлдилар. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Руминия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, саройнинг ялпи мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ўз халқи учун муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказаётган икки мамлакат ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиши Ўзбекистон ва Руминия халқлари манфаатларига мос бўлиб тушиши таъкидланди.

Албатта, ҳар бир мамлакатда халқ ўз эҳтиромини алоҳида билдирадиган масканлар мавжуд. Румониядаги ана шундай қадамжолардан бири Номаълум аскар қабридир. Ўзбекистон Президенти бу муқаддас қадамжога ташриф буюриб, румин халқининг озодлиги учун жон фидо қилган Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Руминия сўнгги беш йилда мураккаб тараққиёт йўлини бошидан кечирди, бироқ айни пайтда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг илк натижалари кўзга ташлана бошлади. Бунда хориж сармоясини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар яратиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилгани муҳим ўрин тутди. Ана шу боис, мамлакатнинг экспорт имкони тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти Бухарестдаги халқаро савдо марказига ташрифи чоғида Руминия саноатининг экспорт маҳсулотлари намуналарини кўздан кечирди.

Катта майдонни ишғол қилган халқаро савдо марказида экспорт моллари кўргазмасидан ташқари, бизнес ижро хизмати, савдо галереяси, 300 ўринлик мажлислар зали, 203 хоналик меҳмонхона ва бошқа қулайликлар мавжудки, бу ишбилармонларнинг ўзаро алоқа боғлаши учун имконият яратади.

Ўзбекистон Президенти савдо марказида Руминия ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Уларга мамлакатимиздаги барқарор сиёсий ва иқтисодий вазият, хорижий сармоядорлар, ишбилармонлар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Учрашув чоғида руминиялик ишбилармонлар Марказий Осиёда муҳим мавқега эга бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликка катта қизиқиш билдираётгани намоён бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг Руминияга сафари дастури ғоят тиғиз, турли учрашув ва мулоқотларга бой бўлди. Шу куни юртбошимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Руминия Бош вазири Н. Вэкэроюни қабул қилди. Ушбу суҳбат чоғида ҳам икки мамлакат иқтисодий ва интеллектуал имкониятларидан халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, улар учун фаровон турмуш шароитлари яратиш йўлида фойдаланиш хусусида фикрлашиб олинди.

Ташрифнинг учинчи куни эса, Президент Ислом Каримов Руминия парламентига ташриф буюрди. Юртбошимиз бу ерда Сенат Раиси О. Герман, депутатлар палатаси раиси А. Нестасе ҳамда парламент аъзолари билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон ва Руминия парламенти ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида фикрлашилди.

Ислом Каримов мезбонлар ҳамроҳлигида Руминия парламентининг янги биносини ҳам бориб кўрди. Қарийб ўн уч йилдан буён қурилаётган бу маҳобатли бино меъморликнинг нодир намунаси бўлиб, Европада ягона ҳисобланади.

Ташрифнинг энг муҳим ва тарихий воқеаси куннинг иккинчи ярмида «Котрочени» саройида рўй берди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Руминия Президенти Ион Илиеску икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка ҳуқуқий асос яратувчи дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, бу ерда икки ёқлама солиқ солмаслик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, илмий-техник ҳамкорлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, транзит юк ташиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Ўзбекистон—Руминия ҳукуматлараро битимлари ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президентлар Ислом Каримов ва Ион Илиеску журналистлар билан учрашиб, уларга Ўзбекистон ва Руминия расмий делегациялари музокаралари якунлари хусусида сўзлаб бердилар.

Ташрифнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, унда мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонни ташқи дунё билан боғлайдиган йўлларга эга бўлиш ҳақидаги орзуларимиздан яна бири амалга ошди, дейиш мумкин.

Бошқача айтганда, Президентимизнинг Руминияга ташрифи юртбошимизнинг яқинда Кавказорти мамлакатларига қилган сафарининг мантиқий давоми бўлди. Озарбойжон ва Грузияда бу мамлакатлар бандаргоҳларидан ҳамкорликда фойдаланиш ҳақида келишиб олинган бўлса, Бухарестга сафар эса денгиздаги йўлимизни янада чўзди — энди мамлакатимиз Грузиянинг Поти бандаргоҳидан Руминиянинг Константа шаҳригача, ундан Дунай дарёси бўйлаб Европа мамлакатларию улуғ уммонларга чиқиш имконига эга бўлди. Руминия билан, демак, барча Европа мамлакатлари билан йўлларимиз туташди. Дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар капиталининг Ўзбекистонга киритилиши, юртимиз ишбилармонларининг эса Европа бозорларига чиқиши учун жуда қулай йўл очилди.

Ион Илеску Ўзбекистондек ҳар томонлама бой имкониятли мамлакат учун Европага, Европа давлатлари учун Марказий Осиёга ишончли дарвозалар очилганидан Руминия ҳам манфаатдор эканини таъкидлади. Ўзбекистон биз учун ҳамиша садоқатли дўст, Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкоримиз бўлиб қолишига аминман, деди жумладан Руминия Президенти.

Ўзбекистон раҳбари Ўзбекистон—Руминия ҳамкорлиги катта истиқболга эга эканини, ўзаро ҳамкорлик икки мамлакат халқлари манфаатига хизмат қилишини қайд этди...

Ўзбекистон Президентига Руминияга сафари чоғида республика Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов, К. Раҳимов, Р. Юнусов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

**Ўктам МИРЗАЁРОВ,**
**(ЎзА махсус мухбири)**
**Тошкент-Бухарест-Тошкент**
**СУРАТДА: яккама-якка учрашув.**
**Р. Жуманиёзов олган сурат.**

*Пай—эгалик кафолати*

## ХОРИЖНИКИ БИЛАН РАҚОБАТБАРДОШ

Корхоналаримизда ҳам секин-аста бўлсада, хорижий маҳсулотларга рақобатбардош буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бунинг мисоли сифатида «Файз» ҳиссадорлик жамиятида чиқарилаётган мебель маҳсулотларини келтириш мумкин. Корхона маҳсулотларига бўлган талаб аввалги йиллардагига нисбатан авж олганлигини бугунги кунда жамиятнинг махсус фирма дўконига харидорлардан тушаётган таклиф ва истаклардан ҳам билса бўлади. Корхона жамоаси шаҳримиздаги мебелсозлар ичида биринчилардан бўлиб хорижий технологиялардан ва сармоялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлардан.

1994 йилнинг сентябрь ойида республика ҳукуматининг қарорига биноан бирлашма ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Корхона учун чиқарилган қимматли қоғозлар ишчи-хизматчиларнинг иш фаолиятларига қараб сотилди. Ҳар бир ҳиссадорнинг қўшган улушига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган фойда ҳисобига бадаллар тўлаш йўлга қўйилди.

Юртимизда ҳозирги кунда жуда кўплаб давлатлардан келтирилаётган хорижий мебеллар мавжуд. Лекин жамоа аъзолари ўз олдиларига ана шу хорижликларникига рақобатбардош бўладиган даражада маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришганлар. Бу ерда замонавий талабларга жавоб берадиган хизматлар ташкил этилган. Биргина маркетинг хизмати орқали харидорлар ва рақобатчиларни чуқур ўрганиш асосида моллар сифатини яхшилаш, янги турдаги мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш талаблари ўрганилмоқда. Мана шу янги хизмат ходимлари бу масалалар устида изчил иш олиб боришлари натижасида ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган мебель термаларига талаб кучлилиги сезилмоқда. Бу термалар «Наврўз», «Лола» ошхона мебеллари термаси, «Камертон», «Файз» мебеллар термаси, «Ғунча» ўқувчилар мебели термасидир. Тайёр маҳсулотлар ички бозоримизда арзонроқ сотилиши учун махсус фирма дўконида узлуксиз равишда савдо ташкил этилган. Сотиб олинган маҳсулотни элтиб бериш хизматидан ҳам фойдаланса бўлади.

«Файз»дагилар ишлашни билишади. Чунки уларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замин яратилган. Корхона ишхона ва ошхоналар учун мебель-ёғоч жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек замонавий технология билан таъминланган. Мана яқинда корхонадаги асосий цехлардан бирига Словакиянинг машҳур «Явор» фирмаси технологияси ўрнатилди. Бу ускуна бир йилда 1 миллион квадрат метр ДСПни ишлаб чиқаришга тайёрлаб беради. Юксак унумли ва юқори сифатли бу ускунани уч нафар ишчи бошқаради.

Бугунги кунда жамоа аъзолари ўзларини ҳақиқий мулк эгаси эканликларини тўла ҳис этишаётир. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда эришилган ютуқ ва самара ўтган йиллардагига нисбатан бир неча баробарга ошиб кетди.

— Сифатли маҳсулотга ҳамма жойда харидор топилади. Фақат уни ўз вақтида кўрсата билиш лозим, — дейди бошқарув раиси Мукаррамхон Азимова. — Энг муҳими ишончли ҳамкорлар топиш керак. Агар шерик нобоп бўлса, ҳар қандай ишимиз ярим йўлда қолиб кетишини тажриба кўрсатди. Шу боис ким биз билан иқтисодий ҳамкорлик қилмоқчи бўлса, энг аввало уни ҳар томонлама ўрганиб чиқишга тўғри келади. Шунингдек йирик хорижий сармояларни ўз ишимизга жалб эта билишимиз керак. Яқинда Жаҳон банкининг бир гуруҳ мутахассислари бирлашмада бўлишиб, ишлаб чиқариш жараёни, тайёр маҳсулотлар, ҳисоб-китоб ишларини қандай йўлга қўйилганлиги билан танишдилар. Республика ҳукуматининг бевосита кўмаги билан банк ишлаб чиқаришимизга замонавий технологияни жорий этиш, чет элларда мебелларимизга харидор топиш борасида молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятлари мавжудлигини баён этишди. Бу таклиф биз учун ҳам жуда маъқул тушди.

Мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлган ҳиссадорлар кеча ёки бугун эмас, аксинча доимо харидорлар талабини ўрганиб, сифатли ва чидамли мебеллар ишлаб чиқаришни ўзларининг асосий вазифалари деб тушуниб етишган. Шунинг учун ҳам улар фақат энг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

*Уй-жой қурилишига — давлат мадади*

## МАҲАЛЛА ТАВСИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони чиққандан сўнг Мирзо Улуғбек туманидаги бошқа маҳаллалар қатори Аҳмад Югнакий маҳалласида ҳам бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилди.

— Маҳалламизда 13 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Шорустам Толибжонов. — Фармон билан тўла-тўкис танишиб чиққанимиздан сўнг 5 кишидан иборат комиссия тузиб, аҳолидан тушаётган аризалар батафсил ўрганиб чиқилди. Шунингдек, одамларга давлат томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликни тўғри тушуниб етишлари учун маслаҳатлар бера бошладик. Натижада 6 кишига «Тошкентуйжойжамғармабанк»ига аъзо бўлиш учун тавсия берилди. Тавсияни беришдан аввал биз бу оилаларга келажакда олинадиган кредитларни тўлаш борасидаги имкониятлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар хусусида тушунтиришлар бердик. Ҳозирги кунда ҳам айрим масалалар бўйича банкдаги мутахассислардан маслаҳатлар олиб турибмиз.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

## КИМЁГАРЛАР НОМИ ЭСЛАНДИ

***Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети кимё факультетида кеча бўлиб ўтди.***

Унда факультет декани Анвар Зияев атоқли кимёгарлар, уларнинг сермаҳсул ишлари ҳақида сўз юритаркан, республикамиз кимё саноатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Обид Содиқов, Ҳакимжон Асланов, Ҳакимжон Раҳимов, Нурилла Парпиев каби олимларнинг номини эслатиб ўтди.

Кечага таклиф қилинган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Шунингдек, ҳозирги кундаги театр соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Кеча сўнгида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган ўқитувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Бекназар ШЕРМАНОВ.

*1996 йил — Амир Темур йили*

## ИЛМИЙ АНЖУМАН



Республикамизда улуғ саркарда, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар давом этаётир. Чунончи, куни кеча Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида миллий ассоциация, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти ҳамда «Амир Темур йўллари бўйлаб» халқаро илмий экспедициялари ташаббуси билан «Амир Темур давлати ва унинг халқаро алоқалари» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни ассоциация раиси ўринбосари Ш. Маҳмудова очди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, тарих институтининг директори А. Муҳаммаджонов, йирик шарқшунос олима, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Жавоҳарлал Неру номидаги халқаро мукофот совриндори С. Азимжонова, тарих фанлари доктори, Беруний мукофотининг совриндори А. Ўринбоев, тарих фанлари доктори, профессор Р. Мукминова, хорижлик ватандошлардан ҳуқуқшунос олим Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, фалсафа фанлари доктори Муҳаммад Ал-Бухорий каби олимлар буюк соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятига оид қизиқарли маърузалар билан чиқишди.

Ушбу тадбирда хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, дипломатик ваколатхоналар ходимлари, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ватандошлар, талабалар иштирок этдилар. Конференция сўнггида меҳмонлар маданият техникуми талабаларининг ҳамда Ғиёс Бойтоевнинг қўшиқларидан баҳраманд бўлишди.

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ.

## ТАРИХ САДОСИ

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейида «Амир Темур йўллари бўйлаб» деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмада иқтидорли мусаввир Содиқ Раҳмоновнинг Соҳибқирон ҳамда ўтмишдаги бошқа давлат арбобларининг фаолиятига оид асарлари намойиш этилмоқда.***

1991 йилда Темур қадамжолари бўйлаб сафарда қатнашган рассом Самарқанд, Шаҳрисабзда бўлиб олам-олам таассуротлар билан қайтиб, тарихимизга оид асарлар туркумини яратишга киришади. Айниқса «Беҳзод», «Элчилар қабули», «Шоҳлар овда», «Шоирга эҳтиром» каби бир қанча асарлар мусаввирнинг ўрта аср миниатюраси ва айниқса Ҳирот тасвирий санъат мактабидан яхшигина бохабар эканидан дарак беради.

Тасвирий асарлар орасида Заҳириддин Бобур портрети киши эътиборини жалб этмасдан қолмайди. Сабаби шоирнинг Ватан иштиёқи, соғинчи билан дардмандлигини унинг кўзларидан уқиб олиш қийин эмас.

Шунингдек кўргазмада меъморий иншоотлар акс эттирилган асарларга ҳам кенг ўрин берилган. Шаҳрисабздаги Оқсарой, Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Дорус-саодат меъморий мажмуалари, Гўри Амир, Лангарота мақбаралари сержило бўёқларда моҳирона тасвирланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Содиқ Раҳмоновнинг асарлари апрель ойида Парижда ўтказилган «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигида муваффақиятли намойиш этилганди.

Нодира УЛУҒОВА.

*Шаҳримиз кўргазмаларида*

## МАДАНИЯТ РАВНАҚИ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида очилган «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият равнақи» кўргазмаси Марказий Осиё халқлари маданиятларининг ривожланиши, ҳунарманд ва санъаткорнинг маданият ёдгорликлари билан яқиндан танишишига ёрдам беради.

Кўргазмага қўйилган Искандар Зулқарнайннинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари акс этган харита, шунингдек Буюк Ипак йўли харитаси эътиборни тортади. Амир Темур 1402 йили француз қироли Карл VI га йўллаган мактубида (кўргазмага унинг фотонусхаси қўйилган) қиролни Турон заминига ўз савдогарларини юборишга чорлаган, уларнинг хавфсизлигига кафил бўлишини баён қилган.

Экспонатлар орасида Амир Темур ва темурийлар даври архитектура ёдгорликлари катта ўрин олганлиги бежиз эмас. XV аср тарихчиси Ибн Халдун Соҳибқирон барча билимларни, айниқса тиббиётга, фалакиётга, математикага, амалий фойда келтирадиган билимларни, кўпроқ меъморчиликни қадрлагани тўғрисида ёзган эди. Амир Темурдан кейин унинг авлодлари замонасида ҳам илм-фан, маданият равнақ топди.

Биз кўргазмаларда халқларимизнинг ижоди, маданий ва маънавий мероси, тасвирий санъат намуналари билан танишар эканмиз, илм-фан ва маданиятдаги юксалишни, ўзига хосликни кўрамиз.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
тарих фанлари номзоди.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Олий Мажлис кенгашининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунларнинг ва бошқа қонун ҳужжатларини судлар, адлия органлари, шунингдек бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга етказиш соҳасидаги иши тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1995 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва пул-кредит сиёсатининг 1996 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ҳақида»ги масалалар муҳокама қилинди.

❑ Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра «Камолот» жамғармасига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира фондидан 50 миллион сўм, «Бизнес-фонд»дан — 15 миллион сўм ва республика аҳолини иш билан таъминлаш фондидан 20 миллион сўм ўтказиладиган бўлди. «Камолот» жамғармаси раиси ва ўринбосарларининг мақоми Ўзбекистон Республикаси вазирлари ва вазир ўринбосарлари мақомига тенглаштирилди.

❑ Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашда бозор муносабатлари шароитларида қурилиш мажмуаси ишини ташкил этиш, айниқса қурилишлар қийматининг асоссиз ошиб кетмаслиги масалалари муҳокама этилди.

❑ Жиззах ва Тошкент вилоятлари фаолларининг йиғилишларида Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Молдовага уч кунлик расмий ташрифи бошланди.

❑ Борис Ельцин 16 июнда бўладиган президент сайловининг биринчи босқичидаёқ ғалаба қозониши тўғрисида баёнот берди.

❑ 23 сентябрда бўладиган Арманистон президенти сайловларига ҳозирги давлат раҳбари Левон Тер-Петросян номзоди кўрсатилди.

❑ Қозоғистонда ЮНЕСКО тасарруфи остида «Оммавий ахборот воситалари ва журналистлар таълими» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.

❑ Номзоди Москва шаҳри мэри ўринбосарлигига қўйилган Россия пойтахти Жанубий округи префекти Валерий Шанцевга суиқасд уюштирилди. Унинг уйида портлаш уюштирилгандан сўнг оғир жароҳат олган Валерий Шанцев ҳозир касалхонада даволаняпти.

❑ Минскда «Форд» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича Белоруссия—АҚШ қўшма корхонаси ташкил этиш тўғрисидаги аҳдлашув имзоланди. Американинг бу машҳур автомобилларини 1997 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Минскда ишлаб чиқариш мўлжалланган.

### ХОРИЖДА

❑ Миср Президенти Ҳусни Муборак ўн олти араб давлати раҳбарига 21-23 июнь кунлари Қоҳирада ўтказилиши мўлжалланаётган олий даражадаги учрашувга таклиф юборди. Ана шундай учрашувни ўтказиш тўғрисида яқинда Миср, Сурия ва Саудия Арабистони раҳбарлари учрашувида бир қарорга келинган эди.

❑ Шанба куни Хитойда навбатдаги ядро синови ўтказилди. Кўпгина мамлакатларнинг бунга қатъий норозилик билдирганларига қарамасдан Хитой ташқи ишлар вазирлиги яқин орада яна битта ядро синови ўтказилиши ва шундан сўнг ядро синовини тақиқлаш кўзда тутилаётганлигини маълум қилди.

❑ Мехикода бўлиб ўтган Америка давлатлари ташкилоти Бош ассамблеясида АҚШнинг Кубага қарши жазо чораларини кучайтиришга қаратилган янги қонуни аксарият кўпчилик томонидан рад этилди.

❑ Зоирнинг Киншас аэропортида Украина авиакомпаниясига қарашли ИЛ-76 транспорт самолёти ҳалокатга учради. Унда бўлган 10 нафар экипаж аъзоларининг ҳаммаси ҳалок бўлди.

❑ Ливиянинг қонун чиқарувчи олий органи мамлакатда спиртли ичимликлар ичиш учун олий жазога тортиш тўғрисида қонун қабул қилди.

❑ Япония Шимолий Кореяга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун 8 миллион доллар миқдорида ёрдам кўрсатадиган бўлди.

*Европа биринчилиги*

## «УЭМБЛИ» ДАГИ ФУТБОЛ БАЙРАМИ

***Шанба куни Лондоннинг «Уэмбли» ўйингоҳида футбол бўйича 10-Европа чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Нуфузи жиҳатдан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турадиган ушбу мусобақанинг очилиш маросимидаги ҳақиқий футбол байрамини 200 га яқин мамлакатнинг қарийб 400 миллион телетомошабинлари билан бир қаторда ўзбекистонлик мухлислар ҳам ойнаи жаҳон қаршисида мириқиб томоша қилишди.***

Бу каби тантаналарга кўникиб кетган, ҳозирда ўзининг 80 ёшини нишонлаш арафасида турган Лондоннинг бу «фахрий» ўйингоҳи шу куни янада ёшариб кетди. Футбол байрами Англияда машҳур Авлиё Георг афсоналари билан бошланди. Ўйингоҳнинг қоқ ўртасига бўлажак чемпионга топширилажак Кубокнинг улкан рамзий нусхаси ўрнатилган. Унинг ичидан худди космодромдан кема учирилаётгандек 40 минг дона шарлар бутун кўҳна Лондон шаҳри узра тарқатиб юборилди. Ўйингоҳнинг шундоқ устидан учиш санъатларини намойиш этиб ҳарбий самолётлар қаторлари турли мамлакатлардан келган футболчи ҳамда мухлисларга гўё «салом» бериб ўтишди.

Йиғилганларни футбол қироли Пеле қутлади. Ва ниҳоят, Англиянинг поп эстрада юлдузи Мига Хакнелла чемпионатга бағишланган мадҳия — қўшиғини ижро этиб, қитъа биринчилигини очиқ, деб эълон қилинади. Майдонга илк учрашув иштирокчилари — Англия ва Швейцария терма жамоалари тушишади. Ўйиннинг биринчи қисми майдон эгаларининг устунлигида ўтиб 1:0 ҳисоби қайд этилган бўлсада, иккинчи бўлимда «А» гуруҳда анча кучсиз деб ҳисобланган Швейцария терма жамоаси бош мураббий Артур Жорже томонидан номаълум сабабларга кўра сафга киритилмаган кучли ўйинчилар Алена Суттера ва Андириана Кнуталарсиз ҳам пенальтидан гол киритишиб, дуранг натижага эришишади.

Ғалабага тенг бу дуранг швейцарияликларни руҳан кўтарганлиги аниқ. Аксинча нафақат гуруҳ ғолиби, балким чемпионликка даъвогарлик қилаётган англияликлар учун 78 минглик томошабинларнинг кўз олдида мағлубият билан баробар бўлди. Чунки гуруҳ ўйинлари охирида нафақат очколар сонини, балки голларни ҳам «ҳисоб-китоб» қилишга тўғри келиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундан роппа-роса 30 йил олдин худди шу «Уэмбли»да жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган ва ҳозир ҳам Европанинг биринчи командаси эканлигини мухлисларига исботлаб беришга шай бўлиб турган Англия футболчиларини биринчи ўриндан бошқа ўрин қониқтирмаслиги тушунарлидир.

Кеча яна учта ўйин ўтказилди: Испания — Болгария — 1:1, Германия -Чехия— 2:0, Дания-Португалия -1:1.

Нарзулла ҲАМРОЕВ.

*Теннис*

## НАВБАТ — ЭНГ КУЧЛИЛАРГА

***Кеча «Динамо» теннис мажмуи кортларида Тошкент челленжер халқаро аёллар турнири доирасида қизиқарли беллашувлар бўлиб ўтди.***

Эрталаб вазирликлар, чет эл ваколатхоналарининг ходимлари, ҳокимликлар, йирик корхоналарнинг раҳбарларидан иборат 61 ҳаваскор теннисчилар 8 та гуруҳга бўлинган ҳолда «Катта шляпа» мусобқаларини бошлашди. Жуфтликлар ўртасида ўтказилган ушбу баҳсларда финалда Ғанихонов — Яфасовларни енгган Тоҳир Зокиров (Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари) ҳамда Қудрат Муҳиддинов («Ўзбекистонмахсусэнергогаз» ҳиссадорлик жамияти раҳбари)лар зафар қучиб, махсус совринлар билан тақдирланишди.

Сўнг эса ҳал қилувчи саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Дастлаб россиялик рақиби Елена Воропаевани енгган Катрин Килш (Германия) асосий турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Франциялик Марина Каязу эса Буюк британиялик Канди Ридни доғда қолдирди.

Кўп сонли ишқибозларнинг қизғин қўллаб- қувватлашлари остида охирги беллашувларда ҳамшаҳарларимиз майдонга тушишди. Бундан белоруссиялик тажрибали теннисчи Ольга Глушенко тошкентлик Наталья Никитина устидан икки сетда 6:2, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи ҳамшаҳримиз Ирина Ярикова эса ўйинни йиғинчоқлик билан бошлаб, биринчи сетда австриялик Петра Руссигерни 6:2 ҳисобида енгди. Иккинчи сет эса 7:5 ҳисобида рақиби фойдасига ҳал бўлди. Афсуски, ҳал қилувчи учинчи сетда ҳам Руссигернинг қўли 6:3 ҳисобида баланд келиб, у ҳақли равишда кучлилар сафидан ўрин олди.

Кеча, шунингдек, асосий турнирда баҳс юритувчи теннисчилар учун қуръа ташлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра ўзбекистонлик теннисчилар Ирода Тўлаганова профессионал теннис ассоциацияси таснифига кўра рейтинг рақами 316 бўлган голландиялик А. Снайдерс билан, Лилия Биктякова эса 403-рейтинг рақамига эга Анна Линкова (Россия) билан биринчи ўйинда куч синашишади.

Бугун Тошкент челленжер аёллар халқаро мусобақаларининг тантанали очилиш маросими ҳамда кучлилар ўртасида дастлабки беллашувлар бўлиб ўтади.

Дамир ИСЛОМОВ.

*Фидойи устозлар*

# БЎЛМАСДИ ГЎЗАЛ БУ ҚАДАР...

Устозларни ҳақли равишда зиё улашувчилар, деймиз. Фатҳиддин Насриддинов талабаларга фақат берган билимлари билангина эмас, балки шахсий ҳаёт йўли билан ҳам намуна, ибрат бўлолган инсон.

Бинобарин ҳар бир одам ўз орзусига эришиш учун астойдил меҳнат қилса, муроди албатта ҳосил бўлишига ҳаёт бўсағасидаги минглаб талабалар ўз устозлари мисолида амин бўлганлар.

Фатҳиддин ака 1925 йилда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги Маслаҳат қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилиб, хонадондаги 5 нафар ўғил фарзандларнинг иккинчиси эди. Ўттизинчи йилларнинг қабоҳатида бирин-кетин икки укаси нобуд бўлгач, кўп ўтмай мусибатларнинг янада каттаси — уруш бошланди. Ҳарбий хизматга чақирилган акаси Сулаймонқулнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида машъум кунларнинг бирида «қора хат» келди. Шўрлик ота-оналари ўспирин Фатҳиддин ва укаси Бозорбойни бағрига босганларича бўзлаб қолавердилар. Аммо ҳаётдаги ҳар қанча мушкулликлар Фатҳиддин акадаги илмга бўлган интилишни сусайтира олмади. У етти йиллик ўрта мактабни битиргач, Андижон педагогика билим юртига кириб ўқий бошлади. Бироқ, оиладаги қийинчилик туфайли ўқишни ташлаб, турли-туман соҳаларда кечаю кундуз меҳнат қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, тинчлик даври бошлангач, Фатҳиддин ака билим олишни яна давом эттириш учун имконият топди. Андижон Давлат педагогика институти, сўнгра Тошкент Давлат университетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, «Шарқ юлдузи» журналида ишлай бошлади.

— «Бу ҳам мен учун ўзига хос аспирантура бўлди, — дейди домла. — Журналнинг танқид ва адабиётшунослик бўлимига мудирлик қилдим. Шу вақтдан бошлаб журналистика оламига қўйган илк қадамларим ўз ривожини топа бошлади. Газета ва журналларда мақола, очерк, таржима ва бадиий асарларим кетма-кет чоп этила бошланди. Мен фақат адабиётшунос эмас, бинойидек журналист ҳам бўлиб қолдим.

У 1957 йили университетда эълон қилинган танловда қатнашиб, аспирантурага қабул қилинди. У пайтда Абдулла Қодирий ижодига нотўғри қарашлар ҳукм сурар эди. Фатҳиддин ака айнан шу мавзуда ишлашга жазм этди. Иш анча узоққа чўзилди.



Абдулла Қодирийнинг матбуотда эълон қилинган барча катта-кичик асарларини, журналистик фаолияти, унинг бадиий маҳоратини синчиклаб ўрганиб чиқди. «Бу менга жуда катта мактаб вазифасини ўтади», дейди домла. Хуллас, «Абдулла Қодирий услубининг баъзи хусусиятлари» мавзуидаги илмий иш тайёр бўлгач, ҳимояга тавсия этилди. Албатта, домланинг илмий иши ноҳақ қораланган буюк ёзувчи ҳақидаги ҳақиқатни очишда қўйилган дастлабки жасоратли қадамлардан бири эди. Шундан сўнг у яна бир неча йил «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида ишлаб, журналистик фаолиятини давом эттирди. Баракали меҳнатлари туфайли илмий ва бадиий ижоднинг кўп қирраларида ўз истеъдодини намоён этди. Домла 1963 йилдан то 1994 йилгача, 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқитувчи, кейин доцент бўлиб ишлади. Ижодий фаолияти давомида 150 дан ортиқ катта ва кичик мақолалар, 50 дан ортиқ очерк, фельетон, ҳикоялар, бир нечта қисса, пьесалар, илмий ва бадиий китоблар муаллифи бўлиб танилди. Қорақалпоқ ёзувчиси Т. Қаипбергеновнинг «Қорақалпоқ қизи» романи, «Секретарь» қиссаси, Хитой адиби Ба Цзиннинг «Оила» романи, африкалик ёзувчи Манго Бетиннинг «Бомбейлик бечора Исо» романи, ҳинд ёзувчиси Хожа Аҳмад Аббоснинг «Юлдузларга етмагунча», Аҳмаджон Абубакирнинг «Дарғин қизлари», Сергей Абрамовнинг «Камалакка талпиниб», Г. Красильниковнинг «Сен билан қоламан» қиссалари ва шу каби кўплаб жаҳон адабиёти намояндаларининг ижод намуналари ўзбек китобхонларига Фатҳиддин Насриддинов таржимаси билан етиб борди. Айниқса, «Услубият ва таҳрир кафедрасининг мудири сифатида кўплаб шогирдларга устозлик қилганлиги Фатҳиддин ака доимо қониқиш ва ғурур билан эслайдиган фаолият қирраларидан бири бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг қайси бир шаҳар ёки туманида бўлмасин, бирорта шогирди қўлини кўксига қўйиб: «Ассалому алайкум, домлажон!» дея пешвоз чиқишларини кўриб, домла ўзининг илм йўлида чеккан заҳматлари изсиз кетмаганлигидан беҳад қувонади. Дарҳақиқат, инсоннинг саодати ҳам ўз меҳнатининг хайрли меваларини кўришида эмасми!

Ибратли умр соҳиби Фатҳиддин Насриддинов ҳозир умр йўлдоши Жўрахон ая билан бирга 6 фарзанд, 22 набира ва 4 чеварага меҳрибон бобо-буви бўлишиб, кексалик гаштини суряптилар. Домланинг илмий ва бадиий ижоди маҳсуллари эса ҳамон илм толибларига дастуриламал бўляпти. Биз ҳам домлага соғлиқ ва узоқ умр тилаб, сўзимизни аллома шоирнинг ушбу байти билан якунламоқчимиз:

**Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,**
**Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар!**

Ирисали ТОШАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

*Оила — жамият таянчи*

# БОҒДА ДАВРА СУҲБАТИ

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг ташаббуси билан Ўзбекистон миллий боғида «Оилада аёлнинг ўрни ва бола тарбияси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси, Олий Мажлис депутати Шукур Темуров олиб борди. Давра суҳбатида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф. Абдураҳимова, «Саодат» журналининг бош муҳаррири , Ўзбекистон халқ шоираси О. Ҳожиева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Г. Йўлчиева, республика диагностика маркази раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Д. Ғуломова, шоиралардан Н. Рашидова, Ф. Усмонова, Нилуфар ва бошқалар оилада аёлнинг қандай бўлиши кераклиги, бола тарбиясида онанинг ўрни, оиладаги эътиборсизлик, лоқайдлик қандай кўнгилсизликларга олиб келиши тўғрисида ибратли мисоллар орқали ўз фикрларини баён этдилар. Шунингдек, кейинги пайтларда ажралишларнинг кўпайиб кетаётганлиги гапирилиб, турмуш қураётган йигит ва қизларни албатта тиббиёт кўригидан ўтказиш лозимлиги таъкидланди. Бу эса соғлом авлоднинг камол топишидаги муҳим омиллардан биридир. Тўйларни фаоллар бошчилигида ихчам, режали ва бамаслаҳат ўтказиш оилаларни моддий томондан қийналиб қолишдан сақласа, иккинчидан бу соғлом, аҳил оилаларнинг вужудга келишини таъминлайди. Шу ўринда, Акмал Икромов туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси Одила Умархўжаеванинг ўзига хос фаолияти, куюнчаклиги туфайли бир неча йиллардан бери «Шарқ юлдузи»нинг иш тажрибаси ибрат сифатида тилга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи И. Хилватовнинг «Жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари билан оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» юзасидан маърузаси йиғилганларда қизиқиш уйғотди. Тадбир сўнгида шаҳримизнинг фаол аёлларига совғалар топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

*СУРАТЛАРДА: қизиқарли ўтган давра суҳбатидан лавҳа.*
*Рашид Галиев олган сурат.*



*Ўқув юртларида*

# МЕҲНАТНИНГ РОҲАТИ

***У 1961 йили Тошкент политехника институтининг Автомобиллардан фойдаланиш бўлимини тугатиб, Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш комбинатига амалий машғулотлар ўқитувчиси бўлиб ишга кирганда ҳали жуда ёш эди.***

Умр —оқар сув, вақт — ҳакам экан.

Расулжоннинг тиришқоқлиги, ўзига ишониб топширилган вазифага сидқидилдан киришиши, ишда намуна кўрсатишга уринишлари туфайли тезда жамоа эътиборига тушди. Айниқса, ҳайдовчиликка қизиққан ёшларга малакали сабоқ беришга ҳаракат қилди. Амалий машғулотлар, назарий машғулотлар ўқитувчиси бўлиб ишлаб юрган даврлардаёқ ўқитиш (дарс бериш) услубиётини мукаммал эгаллаган ўқитувчи сифатида танилди. У киши тайёрлаган ҳайдовчилар халқ хўжалигида муваффақиятли ишлаб, хўжалик раҳбарларининг мақтовларига сазовор бўлди.

Аммо у фаолиятини бўшаштирмади. Аксинча, ташкилотчилик ва раҳбарлик лавозимига нечоғли лойиқ эканини кўрсатди. Ўқув синфларини кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш, унга фан-техника ютуқларини жорий қилиш, ёш ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларга ёрдам бериб, методик маҳоратларини оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Ҳозирги кунда ишлаётган ҳар бир тажрибали ўқитувчи Расул акани ўзининг устози деб билади, айни чоғда у кишига чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Б. Азизов, С. Алиқориев, А. Риҳситиллаев, А. Кривобоков, А. Исҳоқов, А. Шишловскийлар шулар жумласига киради.

1983 йилда эса, Расул аканинг қобилияти, маҳоратига ишониб, у кишини мазкур ўқув комбинатининг директори лавозимига кўтаришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Расул ака раҳбарлик фаолиятида ўқув комбинати республикамиз ўқув юртлари орасида энг юқори кўрсаткичларга эришди, моддий томондан мустаҳкамланди. Ўқув юртлариаро барча мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллади.

Бозор иқтисодиётига ўтилгач, барча ўқитиш тизимлари, иш олиб бориш услублари қайта кўриб чиқилиб, жорий шароитга мослаштирилди. Ўқув комбинати ҳиссадорлик ўқув юртига айлантирилди. Табиийки, бу ишларнинг тепасида Расул ака Дўстмуҳамедов яна бош-қош бўлди. Муаммоларни ўз тажрибаси, малакаси, қолаверса, аҳил жамоаси кучи билан ҳал эта бориб, ижобий силжишларга эришди. Натижада соф даромад йилдан-йилга ошиб бориб, жамоа аъзоларининг моддий таъминоти яхшиланди.

Расул ака Дўстмуҳамедовнинг бу хизматларини Автотранспорт вазирлиги, бошқармалари муносиб баҳолашди. Бир неча бор фахрий ёрлиқлар, мукофотлар билан тақдирлашди. Унга «Фахрли автотранспортчи»унвони ва кўкрак нишони берилди.

«Меҳнат қилган элда азиз», дейди халқимиз. Ҳа, қилинган самарали меҳнат, чекилган азиятлар бугунги кунда тотли турмуш замини бўлиб қолди.

Раҳимжон РАСУЛОВ,
Латиф ЗАМОН.

***Мустақил республикамизнинг келгусидаги истиқболи учун иқтидорли талабаларни тайёрлаш билим масканлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги Тиббиёт лицейи раҳбари, доцент Валида Мадумарова билан бўлган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.***

*Ким бўлсам экан?*

# ПИЛЛАПОЯ

**— Валида Қосимовна, тиббиёт лицейини ташкил қилишдан асосий мақсад нима эди?**

— Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ёш давлатимизга малакали мутахассислар етиштириб бериш мақсадида Тошкент шаҳрида тўртта, Тошкент вилоятида битта мактабда тиббиёт синфлари ташкил қилинди ва уларга бизнинг малакали домлаларимиз сабоқ бера бошладилар. 1995 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғига асосан институтимиз қошида тиббиёт лицейи очилди. У муҳим таълим маскани сифатида мактабдан олий билим масканигача бўлган масофадаги кўприк ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси мактаблардан келган, келгусида шифокор бўлишни орзу қилган иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиб, ихтисослаштирилган гуруҳларга бўлган ҳолда тиббиётнинг негизий фанлари бўлмиш биология, кимё, физика, она тили ва адабиёт ҳамда махсус тиббиёт предметини институтимизнинг малакали ўқитувчилари томонидан чуқур ўргатилишини ташкил этишдир. Бундан ташқари лицейда информатика, тиббиётда маркетинг ва менежмент каби фанлардан ҳам сабоқ берилади.

**— Лицейнинг ўрта мактабда бериладиган билимлардан афзалликлари нимадан иборат?**

— Тиббиёт лицейи мактаб билан институт ўртасидаги тафовутни йўқотишда хизмат қилувчи билим маскани сифатида танилди. Унда таълим олганлар мактаб партасидан келган абитуриентларга нисбатан институтларга кириш имтиҳонларида бирмунча устунлик қилганликлари ўтган йилги тажрибалардан маълум бўлди. Лицей фаолиятини текширган Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар лицейда олиб борилаётган ўқув-услубий ишларга ижобий баҳо бердилар.

**— Ўқувчилар тиббиёт лицейига кириш учун қандай қабул қилинади?**

— Билим масканимизга 9-синфни 4 ва 5 баҳоларга битирган ўқувчилар суҳбатдан ўтказилиб, кимё, биология, физика, она тили ва адабиётдан тест асосида имтиҳон топширадилар ва танлов асосида қабул қилинадилар.

**— Лицейни битиргандан сўнг институтга киришга имтиёзлар борми?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан барча абитуриентлар олий ва ўрта махсус билим даргоҳларига тест синовлари асосида қабул қилинади. Шу сабабли лицейни битирган ўқувчилар бошқа абитурентлар билан бир қаторда тест асосида имтиҳон топширадилар. Лекин шуни айтишим муҳим, лицейда олинган чуқур билим кириш имтиҳонларидаги тест саволларига тўғри жавоб беришга имконият беради. Ўтган йили лицейимиз битирувчиларининг 75-80 фоизи ҳозирда шаҳримиздаги институтларда, жумладан бизнинг институтимизда ўқимоқдалар.

Яна шуни айтиб ўтишни истар эдимки, лицейимизни тугатганларга ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома ва «Касалларни парваришловчи кичик ҳамшира» гувоҳномаси топширилади.

Билим савияси юксак, халқимизнинг соғлиғи йўлида жонкуяр бўладиган талабаларни аниқлашда бизнинг лицейимиз ўзига хос пиллапоя бўлиб хизмат қилиши муқаррар деб ўйлайман.

Суҳбатдош
Зайниддин НИЗОМОВ.

*Ҳуқуқий давлат сари*

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МЕЗОНИ

Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳамда касбга оид муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Шу асосда корхона маъмурияти билан корхона касаба уюшма қўмитаси ўртасида ўзаро манфаатли асосдаги муносабатлар қарор топади. Жамоа шартномаси ижтимоий хусусий ҳимоя мезонидир.

Яқинда республикамиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири — Тошкент авиация ишлаб чиқариш акционерлик жамиятида жамоа шартномасини тузишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур жамоа шартномаси Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисидаги» қонуни ва меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқ тарзда тузилган бўлиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни етарли даражадаги яшаш шароитлари билан ҳамда бирлашманинг самарали ишлашини таъминлашга йўналтирилган.

Анжуманда бирлашма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг 1995 йилда жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ҳисобот маърузаси тингланди. Бирлашма касаба уюшма қўмитасининг раиси А. В. Раҳмонов сўзга чиқиб, ишдаги ютуқлар, камчилик ва нуқсонлар хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Шуниси диққатга сазоворки, 1996 йилга мўлжалланган жамоа шартномасининг лойиҳаси шу йилнинг 12 январь куни бирлашманинг «Авиасозавиастроитель» газеталарида чоп этилганди. Бу эса ишчихизматчиларнинг лойиҳадаги ҳар бир бўлим, бандни чуқур ўрганиб, ўзининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлиқ англаган ҳолда фикр-мулоҳазасини билдиришга кенг имконият яратди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ходимлар билан ишлашни ташкил этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кўзда тутилган муҳим бандлар жамоа шартномаси лойиҳасига киритилган.

Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор мажбуриятлар жамоа шартномаси лойиҳасидан ўрин олган. Корхона ишчи ва хизматчиларини барқарор тарзда иш билан таъминлаш, оналикни, болаликни, уруш фахрийлари, ногиронлари, етим болалар ҳамда ногиронларни кучли ижтимоий ҳимоя қилиб, уларга нисбатан янада ғамхўрлик кўрсатишни кўзда тутган бандлар шулар жумласига киради. Шунингдек, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, меҳнатга бўлган муносабатини янада юксалтириш, уларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, дам олиш ва санаторий-курортда даволанишини ташкил этиш бўйича ҳам жамоа шартномаси лойиҳасида муҳим бандлар мавжуддир.

Жамоа шартномаси лойиҳасидан маданий-тарбиявий ҳамда оммавий-спорт ишларини янада ривожлантириш борасида ҳам қатор бандлар ўрин эгаллаган.

Бу эса меҳнат аҳлининг маъмурият, касаба уюшма қўмитасига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб ишга бўлган муносабатни ўзгартириб, иштиёқ билан ишлашга, касб маҳоратини янада оширишга руҳлантиради.

Бирлашма жамоаси мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан ўтган йилда белгиланган вазифаларни барча кўрсаткичлар бўйича деярли бажарилишига эришди. Жумладан, жамоани ижтимоий ривожлантириш соҳасида ҳам маълум муваффақиятлар қўлга киритилди. Бозор муносабатлари шароитида бирлашма касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан биргаликда бирлашма маданият саройи, кутубхонаси, ўйингоҳларининг фаолият кўрсатишини таъминлашга эришдилар. Бугунги кунда бу масканлардан бирлашманинг меҳнат аҳли билан биргаликда шаҳар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда. Бадиий-ҳаваскорлик жамоалари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчилари корхона ва тумандаги тадбирлардагина эмас, шунингдек, шаҳар ва республика миқёсидаги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни, «Наврўз» байрамига бағишланган муҳим тадбирларда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Бундан ташқари бирлашманинг «Гулистон» ва «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини йўлга қўйишда ҳам масъулият билан ёндошилди.

Бирлашма раҳбарияти оромгоҳнинг моддий базасини мустаҳкамлаши, тўгараклар ишини яхшилаши, ходимларнинг фаолиятига аҳамият бериши натижасида, оромгоҳ яқин-яқингача шаҳар миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келди. Ўтган йилда оромгоҳда меҳнат аҳлининг 3,5 минг нафар фарзанди соғломлаштирилган бўлса, 1996 йилда эса 3700 нафар болани дам олдириш кўзда тутилган.

Иш бор жойда камчилик бўлади, деганларидек, йўл қўйилган нуқсонлар сабабларини таҳлил этиб, унинг олдини олиш муваффақиятга замин яратиш ҳисобланади.

Меҳнат аҳли учун хавфсиз, қулай иш шароитларини яратишда афсуски, қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуддир. Бахтсиз ҳодисалар сабабларини ўрганиш меҳнатни нотўғри ташкил этиш, ишда ёмон мутахассис ёки етарли малакага эга бўлмаган ходимлардан фойдаланиш оқибатида юз берганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, тиббиёт кўригидан ўтказилмаслик, меҳнат интизоми, техника хавфсизлигининг барча қоидаларига қатъий риоя қилмаслик кўнгилсиз оғир оқибатларга олиб келганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Шаҳар касаба уюшмалари кенгаши бирлашмадаги иш шароитининг ўзига хослиги, мураккабликларини эътиборга олиб, амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ушбу йирик корхонада доимий ишловчи меҳнат хавфсизлиги бўйича техник нозирни ишга юборди.

1995 йилда бирлашмада бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари оқибатида жабрланган кишиларга 2 миллион 158 минг сўм товон пули ва деярли шунча миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўланган.

Анжуманда делегатлар маърузаларни диққат билан тинглаб, ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этдилар. Бефарқликка асло йўл қўймадилар. Тадбир ижобий маънодаги баҳс-мунозарага бой бўлиб, қизиқарли, ошкоралик руҳида ўтди.

Анжуман ишида Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Қ. Рафиқов, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси О. Сафоев иштирок этдилар.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.



*Турли хилдаги халқ истеъмоли буюмларини харид қилишни истасангиз «Геобуртехника» ҳиссадорлик жамиятига қарашли фирма дўконига мурожаат қилишингиз мумкин. Дўконда рўзғорда жуда керак бўладиган маҳсулотларнинг бир неча тури мавжуд.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Куюнчаклик билан ёзилган*

# СОҲАМИЗДАГИ МУАММОЛАР

***Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа тармоқлар қатори шаҳар электр транспортининг ҳам ўз ўрни бор. Йўловчиларни вақтида манзилга етказиб қўйиш, жадвал асосида мунтазам ҳаракатланишни тўлиқ таъминлаш шу корхона зиммасида. Бугун мен муваффақиятларимизни инкор этмаган ҳолда, соҳамиздаги салбий кўринишлар ҳақида фикр юритмоқчиман.***

Албатта, электр транспорти корхоналарининг янги трамвай ва троллейбуслар билан бойиши ҳаммамизни қувонтирмоқда. Аммо шу билан бирга, электр транспортини бир маромда мунтазам жадвал асосида таъминлаб турувчи энергия хўжалиги контакт тармоғи учун зарур бўлган механизмлар эътибордан четда қолмоқда. Шунингдек, автошиналарнинг эскириб қолганлиги, ўз вақтида алмаштириш имкони йўқлиги сабабли иш жараёнида тезкорликни оширишга тўсиқ бўлмоқда.

Нозимхона билан алоқа боғлашда алоқа воситалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Мана шу техника воситаларининг етишмаслиги ҳам муаммо бўлиб турибди. Кундалик эътибор беришга арзигулик ишлардан бири трамвай ва троллейбусларнинг эрталаб саройдан белгиланган вақтда чиқишидир. Аммо ток қабул қилиш қисмлари яхши кўздан кечирилмаслиги ёки хизматга яроқсиз транспортларни ҳаракат йўналишига чиқарилиши сабабли турли тасодифлар учраб турибди. Агар зарур эҳтиёт қисмлар бўлганда эди, масъулиятни ҳис этган ҳолда, нохуш технологик бузилиш жараёнларининг олдини олган бўлар эдик.

Биз энергия хўжалиги хизмати ходимлари шаҳар электр транспорти қатнови жадвали хусусида қаттиқ назорат ўрнатиш тарафдоримиз. Чунки баъзи ҳолларда бир неча йўналишдаги трамвай ва троллейбуснинг бир вақтда, бир ерга йиғилиб қолиши оқибатида электр токи оқимида ўзгариш ва қизиш рўй бермоқда. Оралиқ масофанинг сақланмаслиги контакт тармоқ симлар тебраниши ва техник ҳолатининг бузилишига олиб келмоқда. Натижада катта миқдордаги энергия йўқотилиб, тежамкорликка путур етмоқда.

Янги линияларнинг пайдо бўлиши қувончли. Лекин шу билан бирга келажакни ҳисобга олиб, энергия хўжалиги фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Жавобгарликни ҳис этган ҳолда янги линияларни чала топширишга барҳам бериш ўз-ўзидан кейин келиб чиқадиган муаммоларга чек қўйган бўлур эди.

Кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим деб ўйлайман. Кўпинча курслар фақатгина ҳайдовчиларни тайёрлаш билан шуғулланади. Лекин контакт тармоқ электр монтёрлари тайёрлаш масаласи эса ниҳоятда оқсаб қолган. Агар шу соҳа курслари ҳам очилса, нур устига нур бўларди. Баъзан Францияда бўлгани каби электр транспортлари иш тартибини бизда ҳам қўллаш пайти келмадимикан, деган хаёлга бораман. Назаримда бизда ҳам илғор жаҳон технологиясини ишга татбиқ этиш вақти етиб келган.

Энди таянч устунлари ҳақида икки оғиз сўз. Нима кўп, пойтахтимиз кўчаларида таянч устунлари кўп. Уларни тартибга солиш керак. Чунки ҳар бир корхона ўзига зарур бўлган таянч устунларини қадайвериб, шаҳримиз ҳуснини бузмоқда, баъзида эса шу туфайли бахтсиз тасодифларга ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун корхоналар келишиб туриб, иложи борича битта таянч устунидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади ва шу орқали қанча маблағ тежаб қолинади, шаҳримиз кўркига кўрк қўшилади.

Мақсадим корхонамизда оқсаётган ишларга барҳам берилса, унинг муваффақиятлари янада қанот қоқса дейман. Бинобарин, трамвай-троллейбус қатнови қанчалик яхшиланса, ҳамшаҳарларимиз олдида юзимиз шунчалик ёруғ бўлади.

Ҳамидулла ИХЛОСОВ,
*Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус бошқармасининг энергия хўжалиги хизмати 2-бўлими бошлиғи.*

*Турмуш чорраҳаларида*

# ТУМОР

Бугун дўстим Баҳромнинг туғилган куни. Табриклаб ўтиш учун совға, гуллар харид қилдимда, машинамни тўппа-тўғри Замирахоннинг уйи томон ҳайдадим. Дарвозадаги чақириш тугмасини аста босдим. Эшик очилиб Замирахон кўринди. Мен учун гўё қуёш пешвоз чиққандек бўлди. Мен унга тикилиб қолдим. Сеҳрланиб қолгандек дилимдаги сўзларни тилимга чиқара олмайман. У бўлса табассум қилганича кутиб турарди. Мен учун дунёда яккаю-ягона ҳаётбахш уммон, тириклик зам-зами эканлигини биларди. Лекин шу гулни узиб олишга менинг ҳаддим ҳам етмас, ҳаққим ҳам йўқ эди. Аммо мен унга интиқ бўлиб, талпиниб яшаб келмоқдаман.

— Ассалому алайкум, Тоҳир ака, акамникига борамизми? — деб сўради.

— Ҳа, албатта. Ўзингиз биласизку, — дедим.

— Ҳамма нарсам тайёр, фақат кийиниб олсам бўлди, — деб уйига кириб кетди.

Кўтариб чиққан совға-саломларини қўлидан олиб, орқа ўриндиққа жойлаштирдим. Машинанинг олд эшигини очиб:

— Марҳамат қилсинлар, — дедим.

Ёнимга оҳиста ўлтирар экан:

— Машинани секинроқ ҳайдайсиз-да, — деди. — Ахир сиз менинг ҳаётимга жавобгарсиза. — Кейин гулларга кўзи тушгач, сўзини давом эттирди: — Тоҳир ака, сиз менга қачон гуллар ҳадя қиласиз?

— Сиз учун гуллар эмас, мен жонимни ҳам аямайман, — дедим.

— Ундай деманг, жонингиз ўзингизга керак, — деди у маъюс...

...Ўша пайтда Замира 8-синфда, мен бўлсам унинг акаси Баҳром билан бирга 10-синфда ўқир эдик. Уйимиз ҳам ёнма-ён жойлашган эди. Адаси билан онаси жуда ҳам меҳрибон, одамшаванда, ширинсухан инсонлар эди. Ваҳоб ака институтда сабоқ берарди, онаси бўлса болалар тарбияси билан шуғулланарди. Замира Баҳромнинг катта синглиси бўлиб, яна Вазира, Назира, Наргизалар бор эди. Йиллар ўтган сари иккимиз бир-биримизга яқинлашиб борар эдик. Охири бизлар бир-биримизни кўрмасак соғинадиган бўлиб қолдик. Ҳар куни учрашиш учун ҳар хил баҳоналар қидирардик. Илк муҳаббат учқунлари оромимизни ўғирлаган эди. Ҳатто қўлимга қалам олиб шеър ҳам ёза бошладим. Бир куни кечки пайт Замираларникига китоб сўраб чиқдим. Ваҳоб ака Замирани чақириб, тайинладилар:

— Она қизим, Тоҳир акангга кутубхонамни кўрсатгин. Қайси китоб ёқиб қолса, ўшани олиб бергин.

— Юринг, — деб мени у бошлаб кетди.

Кутубхонага киргач сўради:

— Қайси китобни оласиз?

— «Муҳаббатнома», — дедим.

Замира ялт этиб менга қаради.

— Ана, тепада, олақолинг ўзингиз.

— Муҳаббат қўл етса бўладиган жойда эканку, — дедим китобни олиб.

Юракларимизнинг урушини эшитиб турардим. Бахтимизга дўстим Баҳром кириб келди. Қўлимдаги китобни кўриб:

— Жуда зўр. Яхшилаб ўқигин, — деди.

— Хўп бўлади, — дея хайрлашдим ва уйга чиқиб кетдим.

Эртасига Замира уйимизга бир тоғорача гилос кўтариб чиқди. Ҳар йилги одат бўйича:

— Гилос пишди, оғизга тушди, қани менга бераqол, қўшни қиз, — деб қўлидан олдим. Гилос ҳақи мана, деб унга ёзган шеъримни тутқаздим.

— Сенга аталган. Жавобини кутаман, — дедим.

— Раҳмат, —деди у гилосдай қизариб шеъримни кўксига босганча чиқиб кетди. Илҳомим жўшиб:

**Гулзордаги раъносен**
**Асир этган барносен.**
**Бўлай сенга парвона**
**Ишқинг қилди девона.**

**Карбалода қолдирма,**
**Кенг жаҳонда куйдирма.**
**Кулиб боқсанг кўнглим тўқ,**
**Тоҳирингга ўлим йўқ, —**

деб ёзгандим.

Икки кундан кейин эса у менинг қўлимга бир парча қоғоз қистириб кетди. Олиб ўқидим: «Шеърингиз менга ёқди. Уни тумор қилиб, доим ёнимда олиб юраман». Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим.

Мактабни битирдик. Дўстим Баҳром муҳандис, мен журналист бўлишни орзу қилар эдик. Баҳромнинг ишлари юришиб кетди. Менга омад кулиб боқмади, ўқишга кира олмадим.

Ўзимни қаёққа қўйишни билмай гаранг бўлиб юрган вақтим эди. Ҳарбий комиссариатдан чақириқ қоғози келди. Тиббий текширувдан ўтдим. Кейин ҳарбий хизматга жўнаб кетдим. Хизматимнинг иккинчи йили бошланганида Замирадан хат олдим. Олиб ўқидиму, кўз ўнгим қоронғилашиб кетди: «Тоҳир ака, мендан ранжиманг. Мен турмушга чиқаяпман. Рози бўлишга мажбурман. Билсангиз, сабаблари кўп...» Буни қаранг, алам устида шундай жавоб ёзиб юбордим: «Замирахон, мен ҳам розиман. Фақат ўзингиз билган туморни ёқиб юборинг».

«Умр—оқар дарё» деганлари рост экан. Орзуимга етиб мухбир бўлдим. Мен ҳам уйландим. Келин-куёв ва невараларим бор. Минг аттангки, Замира бева бўлиб қолди. Минглаб болаларни ўқитди. Аммо ўзи фарзанд кўрмади. Эри ҳам вафот этиб кетди. Катта ва данғиллама уйда ёлғиз ўзи яшайди. Қариндош-уруғ, сингиллар ва дугоналари келиб хабар олиб турадилар...

— Тоҳир ака, эсингиздами «Байжу—Бавра» киносини кўрганимизда иккаламиз ҳам йиғлаган эдик, — Замиранинг гапи хаёлимни бузди.

— Ҳа, ҳа, эсимда, — дедим шошиб.

— Арғимчоқ учганимизда мен қўрқиб кетаяпман, бас қилайлик деб айтганим-чи! — Хандон ташлаб кулар экан Замира яна шундай деди:

— Мени сувдан кўтариб чиққанингиз кўзимга кўриниб кетди. Моторли қайиқ ёнимиздан ўтиб кетганда сув тўлқинлари урилиб, қайиғимизни тўнтариб юборган эди ўшанда.

...Бизлар боргунча меҳмонлар ҳам тарқалиб кетибди. Баҳром катта бир уйга олиб кирди.

— Бирга келишларингни билар эдим, — деди Баҳром.

Бизлар уни туғилган куни билан табрикладик ва совғаларимизни топширдик. Суҳбат авжига чиққан бир пайтда дўстим шундай деб қолди:

— Виждон азобидан қутулай: Замира, синглим, сенинг бахтсиз бўлиб қолишингга мен сабабчиман. Тоҳирнинг олдида ҳам гуноҳкорман. Иложи бўлса иккалангиз ҳам мени кечиринглар. Дўстлигимиз бошқа, муҳаббат бошқа экан...

— Ҳаммасига мен ўзим сабабчиман. Бахтим учун курашмадим. Менинг айбим сизларнинг орангиздаги дўстликка раҳна тушмасин деб ўйлагандим. Акам бир нарсани билса керак деб ўйлабман, — деди Замира хўрсиниб.

— Қўйсаларинг-чи шу гапларни. Барибир энди ёшлигимиз қайтиб келмайди-ку, ахир, — дедим мен.

— Наҳотки бир хатони тушуниб олишга 40 йил кетса,— деб Баҳром қўли билан пешонасига бир урдию хонадан чиқиб кетди.

Ўрнимдан турдим ва деразаларни очиб юбордим. Қўшни хонадонда қўшиқ авжига чиқарди: «Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр...»

Замира секин-аста ёнимга келди. Кўзларида шашқатор ёшлар билан шундай илтижо қилди:

— Тоҳир ака, сизнинг бахтингиз менинг ҳам бахтим. Фарзандларингизга бош бўлинг. Мен сизни ҳар куни кўриб, овозингизни эшитиб турсам, мен учун бундан ортиқ бахт йўқ...

Кўзим унинг бўйнидаги туморга тушди.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.

*Қизиқчи бисотидан*

# ШИНАВАНДАЛАРГА ШОДЛИК УЛАШГАН

***Машҳур аскиячи тошкентлик Қаюм ака Иноғомов ўзининг 87 йиллик баракали умрининг 60 йилини халқ орасида, сайилларда, шоир, ёзувчи, олимларнинг ижодий кечаларида, табаррук ва покиза инсонларнинг юбилейларида, нафақага чиқаётган оддий меҳнаткашларнинг тантаналарида, тўй-базмларда ўтказди. У умрли «рақиблари» Абдураҳмон ака (қора Абдураҳмон) ва Нажим ака (Нажим салмоқи) билан оёқ остидан чиққан ҳар қандай сўздан, айтилган нотаниш битта жумладан пайров топа оладиган аскиячи эди.***

***Қаюм ака, Абдураҳмон ака ва Нажим акалар халқимизнинг юрагидан шу даражада ўрин эгаллаган эдики, уларнинг иштирок этишини эшитиб, тўйга айтилмаган айрим шинавандалар, фақат аския тинглаш мақсадида тўйхонага ташриф буюрган вақтлари ҳам бўлган. Қаюм ака ҳаётида қаламга олса бўладиган воқеа ва ҳодисалар жуда кўп содир бўлган. Шуларнинг айримларини бугун оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.***

## ОЁҚНИ УЗАТИБ ЮБОРАВЕРИНГ

Қаюм аканинг маҳалладоши ўғлини суннат тўйи қилди. Кечқурунги базмда беш-олти гуруҳ хонандалар иштирок этди. Қўшиқлар орасида аския ва қизиқчиликлар бўлди. Эрталабки ошга иккита қозонда юз килограмм гуруч дамланди. Халқ ҳофизи унвонига сазовор бўлган хонандалар тинмай ашула айтди. Эртаси куни тўй қилган йигитни кўчада учратган Қаюм ака гап бошлади:

— Ҳа, укажон, тўйларнинг чарчоғи чиқай деб қолдими? Ўзи ҳам, қулинг ўргилсин базм бўлди. Тўй қиламан деб «қуруғи»ни ҳам тоза йиққан экансиз-да.

— Бе, йиғиш қаёқда, бир улфатимдан ўн минг, синфдош дўстларимдан ўн минг, қариндошдан ўн минг қарз олдим, ҳозир ёнимда бир тийин ҳам қолмади.

Унинг бировлардан қарз кўтариб, дабдабали тўй қилганидан жаҳли чиққан Қаюм ака деди:

— Унда сиз учун бир маслаҳатли иш бор.

— Айтинг, акахон.

— Яна бир оғайнингиздан ўн минг сўм олинг, сўнг бемалол оёқни узатиб юборсангиз ҳам бўлаверади.

## ЎЗЛАРИ ЎТИРИБ ОЛИШМАЯПТИ

Бир бекатда тиқилинч трамвайга мўйсафид отахон чиқди. Унга ҳеч ким ўтириш учун жой бермагач, йўловчилар орасида норози оҳангдаги гап бошланди:

— Кекса кишига жой берадиган диёнатли одам борми?

— Одамлар инсоф қолмади!

— Қарияларга кўрсатиладиган иззат-ҳурмат қаерда қолди?

— Ёшлар ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлаб, бетамиз бўлиб кетаяпти!

Мунозарага тик турган Қаюм ака ҳам аралашди:

— Биродарлар, ёшларни жуда ерга ураверманглар, уларда ҳали ҳам бўлса «инсоф» бор.

— Ҳозирги гапларга ўзингиз гувоҳ бўла туриб, нега ундай деяпсиз?

— Ёшлар кексаларни ўтирган ўринларидан турғизиб, ўзлари ўтириб олишмаяпти-ку!

## БИР ТОИФА

Қаюм аския кўчада қўшниси билан суҳбатлашиб турган эди, ишдан қайтаётган унинг ўғли хурсанд ҳолда сўз бошлади:

— Дада, бугун ишхонада менга биринчи тоифа беришди.

Кап-катта йигитнинг саломлашмай қилаётган муомаласидан ранжиган Қаюм ака деди:

— Сенга анча илгари айтувдим-а, шу боланг бир тоифа, деб.

## ШАЙ БЎЛИБ ТУРАДИ

Улфатлар йиғилган даврада гап санъатнинг турларидан бири балет ҳақида кетди. Абдураҳмон ака Қаюм аскиянинг бу соҳадан бутунлай бехабарлигини билгани учун, уни «илинтириш» мақсадида сўради:

— Қаюмбой, бир нарсага сира ақлим етмайди, нега оёғининг учида дикир-дикир сакраётган қизнинг орқасидан қўлларини кўтарган давангирдек йигит ҳаллослаб юради?

— Шу оддий нарсага ҳам фаҳминг етмагани қизиқ-ку. Баландга сакраган қиз ноқулай тушиб, йиқиладиган бўлса, ўша йигит чаққонлик билан ушлаб қолиш учун шай бўлиб туради-да.

## УЗОҚНИ КЎРАМАН

Қаюм ака кўзойнак ёздириш учун кўз шифокори ҳузурига борди. Шифокор ундан бир кўзини бармоқлари билан беркитиб, очиқ кўзи билан хонанинг нариги томонида деворга осилган тахтадаги ҳарфларни ўқишни буюрди. Шунда Қаюм ака деди:

— Дўхтир, менга ҳарфларни ўқитмай «плюс» кўзойнак ёзиб бераверинг.

— Нега?

— Дўстларимнинг айтишига қараганда мен «узоқни кўрадиган» инсон эканман.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.



*Бугунги кунда халқ таълими соҳасидаги энг сўнгги янгилик битирув имтиҳонларининг компьютерлар ёрдамида тест усулида ўтказилганлигидир.*
*СУРАТДА: Юнусобод туманидаги 253-мактабда битирув имтиҳонлари пайти.*



*Баракали хирмон.*

*Рашид Галиев суратлари.*

## БЕМАЪНИ ТОРТИШУВ

Муқаддам судланган Сергей Фомин олдинги қабиҳ ишларидан хулоса чиқариб олиш ўрнига яна жиноят йўлига кириб кетди.

Жазмани Т. Элланинг уйига меҳмонга бориб уни ҳақоратлай кетди. Мезбон ҳам ўз навбатида уни бир-икки «илиқ» гаплар билан сийлади. Бу тортишув охир-оқибатда жанжалга айланди. Билагига кучи сиғмай кетган Сергей Эллани бир уриб ерга қулатди. Бу ҳам етмаганидек заифанинг қорнига бир неча марта пичоқ тортади. Оқибатда Элла кўп қон йўқотиб касалхонага етмасдан оламдан ўтди.

Ҳозир Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимида бу иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Жиноятчи қилмишига яраша жазосини олиши муқаррар.

## ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

Яккасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган уйлардан бирида турувчи фуқаро Ч. Латифнинг «Наврўз» хусусий дўконига номаълум кишилар ўғирликка тушиб у ердан салкам 40 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетишади. Ўғирлик содир бўлган жойга Яккасарой тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари етиб келишди. Жиноят шу туманда ва шаҳримизнинг бошқа ҳудудларида илгарилари қилинган айрим бир жиноятларга ўхшаб кетарди. Жиноят-қидирув бўлими ходимларининг тахминлари тўғри чиқди. Жиноят исиғида очилиб уни содир қилган муқаддам судланган Р.Л., Б. Ф. ва уларнинг шериклари ушланиб терговга топширилди.

## ҚИРҚМА МИЛТИҚ НЕГА КЕРАК?

Тунги посбонлик хизматини ўтаб юрган Яккасарой тумани ИИБ ходимлари шубҳали туюлган бир кишини тўхтатишди. Милиция ходимларининг тўхташ ишорасидан кейин у кишининг рангида қони қолмади. Унинг ножўя ҳатти-ҳаракатларини сезиб қолган ички ишлар ходимлари ёнидаги халтада нима олиб кетаётганлиги билан қизиқишди. У киши эса баттар асабийлаша бошлади.

Бир ўзи тунда кетаётган бу кишининг ёнидан 15 калибрли қирқма милтиқ ва 3 дона ўқ чиқди. «Қизил тўқимачи» станциясида ишлайдиган вагон кузатувчисининг қирқма милтиқ ва ўқларни қаерга олиб кетаётганлиги билан ҳозир терговчилар қизиқишмоқда.

*Ножўя иш — келтирар ташвиш*

## ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Шайхонтоҳур тумани ИИБси ходимлари ўтказган чора-тадбирлар натижасида қалбаки долларни сотиш билан шуғулланиб келаётган, ҳеч қаерда ишламайдиган Сирдарё шаҳрилик С. Юрий қўлга олинди. «Чорсу» бозорида у қўлда ясалган сохта долларнинг иккита 100 купюрасини Форобий кўчасида яшовчи Р. Бойхоновга 9800 сўмга пуллаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Текширув чоғида фирибгарнинг ёнидан яна 400 қалбаки АҚШ доллари топилди.

## ГИЁВАНД БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Тошкент шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари гиёвандлик моддаларини сотиш, тарқатиш билан шуғулланувчи ва истеъмол қилувчи шахсларга қарши кескин кураш олиб бориб уларнинг қилмишларини фош қилиб ташлашмоқда. Яқинда шу соҳа ходимлари шубҳали туюлган бир кимсани қўлга олишди. У ички ишлар ходимларини сезиб қолиб уларга қаршилик кўрсатишга ва қўлидаги жомадонни ерга улоқтиришга уринади. Касбий маҳорат ва чаққонлик туфайли қўлга олиш безарар бўлди. «ЎзДЭУ» корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Ж. Раҳимнинг ёнидан текширув пайтида 272 грамм ўткир ҳидли қора дори гиёвандлик моддаси топилди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

## ЭНДИ «НИССАН» МИНМАЙДИ

Ўғрилик оқибати вой эканлигини сирдарёлик Т. Латиф энди тушуниб етганга ўхшайди. У шу йилнинг апрель ойи ўрталарида Юнусобод туманидаги «Тошкент» автотўхташ масканида «Ниссан — Максима» русумли, фуқаро А. Аҳмадга тегишли автомашинани ўғирлаб қочади. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўғри узоққа кетолмай ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

## БИР УЙДА ИККИ ЎЛИМ

Ҳамза туманидаги уйлардан бирида қотиллик рўй берди. 1953 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишининг тайини йўқ С. Рафқат хотини Б. Равиланинг бошига қаттиқ уради. Зарба кучли бўлганлигидан аёл шу ердаёқ оламдан ўтди. Шундан кейин қотил хотинини ҳовлига олиб чиқиб мурдасини шу ерга кўмади. Аммо руҳий қийноқ уни ҳеч қўймади. Виждони азобланган қотил эр ўзиниўзи осиб ўлдирди.

## ДЎКОНДАГИ БЕЗОРИЛИК

Шундай кишилар борки, қилган ножўя ишларидан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига яна ёмон йўлга кириб кетишади. ТоШПХБО ташкилотида ҳисобчи бўлиб ишлайдиган С. Ни Ҳамза тумани, Қурувчи кўчасидаги дўконлардан бирига кириб безорилик қилади. Бу хоним дўконга кириб сотувчи С. Маринанинг устига сирка сепиб юборади. Бу ҳам етмаганидек телефонни синдириб, эшикларни бузади. Безори аёлни дўкондагилар ички ишлар ходимларига топширишди.

## ИТ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

«Равшан» ҳиссадорлик корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган С. Константиннинг уйидаги итини кимдир ўғирлаб кетади. Бир-икки кун шундайлигича ўтиб кетди. Охири бўлавермагач С. Константин ушбу воқеа тўғрисида ариза билан Ҳамза тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ит ўғриси ушланди. У қурилиш ташкилотларидан бирида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган В. Борис бўлиб чиқди. Энди ўғри жазосини олади.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
*Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати нозири.*

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИДАГИ 306-КЎП ЙЎНАЛИШЛИ ЛИЦЕЙ 1996-1997 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТАНЛОВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

306-ЛИЦЕЙ ЁШЛАРНИ ТЕХНИКА, ИҚТИСОДИЁТ ВА БИОЛОГИЯ, ХИМИЯ (экология) ЙЎНАЛИШИ, ТАНЛАГАН ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШГА ТАЙЁРЛАШ МАҚСАДИДА ЧУҚУР ВА МУКАММАЛ ТАЪЛИМ БЕРАДИ.

ЛИЦЕЙНИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАРНИ 8-СИНФЛАРГА ТАНЛАШ ШУ ЙИЛ 28 ИЮНЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Танловда техник йўналишидаги синфлар учун ОНА ТИЛИ, ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА,

Иқтисодий йўналишдаги синфларга кирувчилар учун ОНА ТИЛИ, МАТЕМАТИКА, ЧЕТ ТИЛИ (инглиз тили),

Биология-химия йўналишидаги синфлар учун эса ОНА ТИЛИ, БИОЛОГИЯ, ФИЗИКА фанларидан махсус тестлар ёрдамида тест синови ўтказилади.

Лицейга кирувчилар учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: лицей директори номига ариза, 7-синфни тугатганлиги ҳақида маълумотнома, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма, тиббий маълумотнома, 5х6 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

**ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.**
**ЛИЦЕЙДА ЎҚИШ ДАВЛАТ ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

***Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, 31-квартал, «АЛ-ХОРАЗМИЙ» мавзеси.***
***ТЕЛЕФОН: 72-55-96.***
***87, 69, 94-автобуслар; 11, 23-троллейбусларнинг охирги «Ал-Хоразмий» бекати.***

**ЛОБАР ҚИЗЛАР!**

АГАР СИЗ ТИКУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ХОТИН-ҚИЗЛАР МОДАЛИ КИЙИМЛАРИНИ БИЧИШ ВА ТИКИШ, КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, МОДЕЛЛАШТИРИШ, МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ СИРЛАРИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг**

**РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА**

**ЎҚИШГА КИРИНГ!**

**ЎҚИШГА 9 ВА 11-СИНФНИ ТУГАТГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**9-синфни битирганлар 2 йил ўқийдилар.**

Улар ҳар ойда 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия оладилар.

11-синфни битирганлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда уларга 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия берилади.

Ўқув ишлаб чиқариш марказини битирганлар эгаллаган касби бўйича малака разряди ва диплом оладилар.

Улар ширкатлар, ижара, хўжалик ҳисобидаги қўшма ва давлат корхоналарида ишлаш имкониятларига эга бўладилар.

Биздаги пуллик 7 ойлик курслар қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: конструктор—модельерлар, хотин-қизлар модали кийимларини тикувчи уста, машинада кашта тикиш асосларида тикувчи-модельер, ишбилармон.

**ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!**

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўқув ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см), танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086/У).

**ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

***МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, М. Мироқилов кўчаси, 68-уй (38, 58, 67, 3-автобуслар, 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати).***

***ТЕЛЕФОНЛАР: 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.***

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Алоқа иншоотларида режали равишда таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан Шмидт, Пограничная кўчалари, У. Носир кўчасидаги 30, 22, 22 «а», 18-уйларда; Люксембург, Дубицкий, Конституция, Леваневский, 2-Охунбобоев кўчасида яшовчи 54/55-АТС АБОНЕНТЛАРИДА вақтинча, 10 июндан 30 июнгача

**ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ**
***ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.***

**А. АБДУРАҲМОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ**

«Кийимларни моделлаштириш, андозалаш ва тикиш» касбини чуқур ўргатувчи 3 йиллик тижорат бўлимига

**ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Бўлимни тугатганларга «Кийимларни моделлаштирувчи ва андозаловчи» дипломи берилади.

55-71-76 телефони бўйича қўшимча маълумот олиш мумкин.

***МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 26-уй. 5, 10, 17, 20-троллейбуслар; 1, 5, 2, 9, 24, 25, 26- трамвайлар; 16, 25, 80-автобуслар билан борилади.***

**«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ**

Акмал Икромов тумани аҳолисига газ хўжалигини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан

**«Ўриксор» даҳасига**
**12 июнь соат 12.00 дан 17.00 гача**
**газ бериш тўхтатилишини**
**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**
**Газ қайтадан берилганда эҳтиёт бўлинг!**
**«Тошгаз» бошқармаси.**


«Ўзавтосаноат» уюшмаси жамоаси 33-Тошкент подшипник заводининг бош директори

**Зокиржон Мирзаахмедович ЮСУПОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:*
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар:
33-81-42, 36-57-27.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
*Нашр кўрсаткичи 64690*

*Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Б-0308. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.134 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.